

Абдурахмон ибн Хурмуз - муқриъ ва муҳаддис



14:32 / 25.05.2023 1575

Тўлиқ исми ва таваллуди: Абу Довуд Абдурахмон ибн Хурмуз ал-Маданий Аърож. У Муҳаммад ибн Робиъа ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб Ҳошимий Маданийнинг мавлоси бўлган.

У ҳижрий 37-йили Мадинаи Мунавварада туғилган. Тобеъинларнинг иккинчи табақасидан бўлган.

Беморлиги: Абдурахмон ибн Хурмузнинг оёғи оқсоқ бўлган. Шунинг учун, “Аърож^[1]” лақабини олган ва шу ном билан машҳур бўлган.

Илм йўли: Абдурахмон ибн Хурмуз Мадинаи Мунавварда туғилгани унинг бир неча муҳожир ва ансорий саҳобалардан илмларидан баҳраманд бўлишига сабаб бўлди. У дастлаб Қуръони Каримни ёд олди. Илм талабида

тиришиб, муқриъ[2], ҳофиз даражасига етди. Қироат илмини Абу Ҳурайра ва ибн Аббосдан олган. Унинг қироати мукамал бўлгани учун ўзи мусхаф ёзар ва бошқалар ҳам унинг олдида мусхафларини текширтириб олар эдилар. Шу туфайли у ўзида муқриъ ва муҳаддис номларини жамлаган.

У Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Бухайна, Абу Саид Худрий ва яна бошқа саҳобалардан ҳадис ўрганиб, ривоят қилган. Ундан эса ибн Шихоб Зухрий, Абу Зинод, Солиҳ ибн Кайсон, Яҳё ибн Саид, Ибн Лаҳиъа, Усайд ибн Рофеъ ибн Ходийж, Соиб ибн Язид, Сулаймон ибн Ясор ва бошқа муҳаддислар ривоят қилганлар. Тўрт мазҳаб бошларидан бири имом Молик Абдурраҳмон ибн Ҳурмуздан сабоқ олган.

Қуръон ва ҳадисдан бошқа тафсир наҳв ва насаб илмларини ҳам яхши билган. Қурайш қавмининг насабларини энг яхши билувчи киши ҳисобланган. Араб тили илмларини Абул Асвад Дуалийдан олган.

Абдурраҳмон ибн Ҳурмуз ҳаётини Мадинада ўтказган, фақат бир маротаба ҳижрий 101-105-йиллар орасида Язид ибн Абдулмаликнинг ҳузурига Шомга сафар қилган.

Умрининг сўнгида Искандария чегарасига бориб роботда яшаган ва у ерда ҳам дарс бериб Миср диёрида илмнинг кенг тарқалишига сабабчи бўлган.

Вафоти: Абдурраҳмон ибн Ҳурмуз 80 йилдан ортиқ яшаган ва ҳижрий 117-йилда Искандарияда вафот этган. У Искандарияда дафн қилинган ва қабри ёнида унинг номида масжид барпо қилинган.

Муҳаммад Зариф Муҳаммад Олим ўғли тайёрлади

[1] Яъни, араб тилида оқсоқ, оёғи йўқ деган маъноларни билдиради.

[2] Муқриъ – Қуръони каримни таълим берувчи устоздир.

Эслатма: Сиз ҳам «Ислом.уз-1444» танловида қатнашмоқчимисиз? Унда қуйидаги <https://islom.uz/maqola/19769> ҳавола орқали мусобақа шартлари билан танишинг ва танловда иштирок этинг!

Ушбу шеър Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 10 майдаги 03-07/3450-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.